

ЭНГ БУЮК БАХТИМ

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг йигирма иккинчи довонига қадам қўйди. Йигирма икки йилдирки, қутлуғ юртимиз замини тинч, осмони мусаффо. Давлатимиз тенглар ичра тенг. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, ўз овозига эга. Дунёнинг энг ривожланган ва ривожланиш йўлидан бораётган кўпдан-кўп мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ришталарини боғлаган улкан имкониятлар юрти. Тарих учун ғоятда қисқа бўлган 22 йил ичида Ўзбекистон чиндан ҳам келажаги буюк давлат эканлигини ўз салоҳияти, ўз қудрати, ўз имкониятлари билан тўла намоён эта олди.

Буни мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўтказилган ислохотлар натижасида қўлга киритилган улкан ютуқлар мисолида ёрқин кўриш мумкин. Қаранг, оққан дарё оқмасдан қолмас деганларидек, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг онги, тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати тобора ўзгариб, янгича мазмун касб этмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан янгиланиб, кўркем ва гўзал бўлиб бораётганлиги, улар янги уйлар, маданий ва маъмурий бинолар, равон йўللар-у, қудратли кўприклар, замонавий спорт мажмуалари, боғ-роғлар-у, ҳашаматли таълим муассасалари билан безаниб, янада улуғворлик бахш этаётганлиги бугун ҳар биримизнинг қалбимизни фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдириб турибди. Маълумки, қайси давлатда тинчлик бўлса, ўша ерда одамлар бахтли ҳаёт кечирадилар, яратиш, яшнатиш ишқи билан яшайдилар. Биз ана шу буюк неъматдан баҳраманд бўлаётган бахтли халқмиз. Тинчлик туфайли эркин яшаяпмиз, меҳнат қилаяпмиз. Фарзандлармиз ўйнаб-кулиб, мактаб ва коллежларда, лицей ва олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар. Тинчлик туфайли орзу-умидлармиз рўёбга чиқмоқда. Шубҳасизки, буларнинг ҳаммаси Юртбошимиз нафақат мамлакатимизда, балки халқаро доирада ҳам оқилона, тўғри ва адолатли сиёсат олиб бораётганликларининг мевасидир. Албатта, 22 йилда қўлга киритган ютуқларимизни бармоқ билан санашнинг иложи йўқ. Аммо, бизнинг ҳар биримиз шохиди бўлган таълим соҳаси ҳақида тўхталмай

бўлмайди. Яхши биласизки, мамлакатимизда дунёда андозаси бўлмаган тамоман янги таълим тизими яратилди. Буни ривожланган давлатларнинг канчадан-канча олимлари-ю, мутахассислари эътироф этганликларидан ҳам хабарингиз бор. Энг муҳими, бу тизим ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида комил инсонлар қилиб тарбиялашда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилмоқда. Йигирма икки йил аввал институтимиз қандай шароитда фаолият олиб борганлиги ҳамон кўз ўнгимизда. Бугун-чи?! Бугунги шарт-шароитлар, бугунги имкониятлар кимни қувонтирмайди? Янги ўқув йилида ишга туширилган «Молия-иқтисод» факультети биноти икки йил бурун қандай эди-ю, бугун қандай кўёфага эга бўлди? Кўриб турибсизки, мустақилликнинг тенгдоши бўлган институтимиз йилдан-йилга янги-янги қулайликларга эга бўлмоқда, янги-янги ютуқларга эришмоқда. Янги йўналишлар очилиб, илмий ҳамкорлик доираси тобора кенгаймоқда. Нафақат профессор-ўқитувчиларимиз, балки талабаларимиз ҳам хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлири тажрибаларидан баҳраманд бўлиб, ҳамкорлик қилишлари билан боғлаб қайтмоқдалар. Мана, мустақилликнинг шарофати. Бу ишларни шўролар замонида амалга ошириш у ёқда турсин, ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Шу ўринда яна бир мисолни айтмасдан бўлмайди. Ҳадемай институтимиз энг замонавий, ҳавас қилса арзигулик спорт мажмуасига эга бўлади. Бу ҳашаматли спорт саройи институтимизнинг яқингинасида бунёд этилаёпти. У ерда спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имконияти бўлади. Бу ҳам мустақилликнинг шарофати. Бу ҳам Юртбошимизнинг ёшларга бўлган оталарча ғамхўрликларининг ёрқин кўриниши.

Зеро, гап мустақиллигимиз, унинг оламшумул тарихий аҳамияти ҳақида борар экан, биз бу буюк неъматга осонликча эришмаганлигимизни, бу йўлда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов буюк жасорат ва матонат кўрсатганликларини, мустақилликнинг ижодкори ҳам, ташаббускори ҳам, ташкилотчиси-ю, раҳнамози ҳам Президентимиз эканликларини талабаларимизга "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарининг

мазмун-моҳияти асосида тушунтиришимиз, уларнинг онги ва қалбига сингдиришимиз ўзликни англашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

- "Биз учун мустақиллик, - дейди Ислом Каримов, - Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу-заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир".

Дарҳақиқат, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаётган кўп миллатли халқимиз ўз мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб нишонлаш бахтига муяссар бўлди. Албатта, бу ҳар биримизга қувонч ва ғурур бағишлайди.

"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтган бу улуғ байрамни институтимиз жамоаси ҳам янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш билан кутиб олди.

Мустақиллик шукуҳи-ю, нашидаси ҳар бир профессор-ўқитувчини, ҳар бир талабани эзгу мақсадлар сари илҳомлантириши, кучлари га-куч, ғайратларига-ғайрат қўшиши шубҳасиздир.

Мустақиллик – аجدодларим орзуси,
Етти пуштимнинг ушалган армони.
Ўзбекнинг ўзлиги, энг пок туйғуси,
Улуғ йўлимизнинг қутлуғ қарвони.

Мустақиллик – тан олинган тарихим,
Шонли ўтмишимнинг ўлмас мероси.
Ёзган билан адо бўлмас таърифим,
Кундуз қуёш, тунлар ойдир зиёси.

Мустақиллик – тенглар ичра тенглигим,
Олам аро янграган ҳур овозим.
Бағри бутунлигим, бағри кенглигим,
Аҳли жаҳонни лол этган парвозим.

Мустақиллик – менинг кадр-қимматим,
Ўғил-қизларимнинг ширин тушлари.
Энг улуғ, энг азиз қутлуғ неъматим,
Орзу-ўйларимнинг оппоқ қушлари.

Мустақиллик – менинг энг буюк бахтим,
Лаззатининг қиёси йўқ дунёда.

У менинг қудратим, ғурурим, аҳдим,
У мен учун менлигимдан зиёда.

Мустақиллик – виждон, ғурур ва орим,

Ҳукуким, эрким, имконим қаноти.

Яшнаган, яшарган она диёрим,

Қадим боболаримнинг дил баёти.

Мустақиллик – тинчлигим кафолати,

Яйраган заминим, кўм-кўк осмоним.

Дуогўй момоларим фароғати,

Фахру-ифтихорим, жону-жаҳоним.

Мустақиллик – навқиронсан, ҳам гўзал,

Ҳам ўктамсан тоғни талқон қилгулик.

Шундай бўлиб келдинг азалдан-азал,

Шундай бўлиб қолгайсан олам билгулик.

Мустақиллик – завол кўрма ҳеч қачон,

Ҳеч қачон тиллардан тушмасин номинг!

Сенга ҳавас қилсин, жумлаи-жаҳон,

Ҳавас қилсин кўриб, кўрку-камолинг.

Мустақиллик – кўзимнинг оқ-қораси,

Асрагайман сени баланд тутиб қад.

Тўйларингда янграб куй, таронаси,

Ўзбегим бор бўлсин абадул-абад!

Нуриддин ОЧИЛОВ.

O'zbekiston bugun dunyoda jadal sur'atlar bilan rivojlanayotgan mustaqil diyordir. 1991-yil 31-avgust . Bu sana bizning xotiramizda chuqur iz qoldirgan, sababi shu kuni Vatanimiz asrlar mobaynida orziqib kutgan istiqlolga erishdi. Bu sanani har gal eshitganda qalbda o'zgacha hayajon, orziqish bo'ladi.

Men yoshlikman, dovyurakman, imkoniyatlarim cheksiz. O'ylagan maqsadimga albatta erishaman va bu yo'ldan aslo qaytmayman degim keladi. Savol tug'iladi: xo'sh bu shijoatni bizga kim va nima berdi? Bundan 22 yil avval men tengi qiz ham xuddi shunday so'zlarni baralla ayta olganmi? Xohish, istaklarini bayon eta olganmi? Va buni amalga oshirishga kim ko'maklashgan? Bu savollarga javob bitta – MUSTAQILLIK! Mustaqillikka erishishda, uni mustahkamlashda jonbozlik ko'rsatgan inson, to'g'ri yo'lga boshlagan yo'l boshlovchi Yurtboshimizdir!

Bu yilgi shior "Qadr-qimatim, tayanchim va iftixorimsan mustaqil O'zbekiston!" Menimcha bu so'zlar har bir O'zbekiston farzandining qalbidan unib chiqqan eng toza, pokiza tuyg'ular ifodasidir. Ayting-chi, bunday serquyosh, sharqning durdonasi bo'lgan, xalqining tayanch-iftixoriga aylangan ona zamin yana qayda bor!

O'zbekiston yoshlar mamlakati. Yoshlar esa, bamisoli niholga o'xshaydi. Nihol shunday jo'shqin bo'ladiki, uni har qancha egmang sinmaydi. Uni to'g'ri yo'lga boshlansa bas: siz ko'rsatgan yo'lga shunday bo'y cho'zadi, hatto o'zingiz hayratda qolasiz. Vatanimizda bunday zabardast yoshlarni sanab sanog'iga yetib bo'lmaydi. Shu o'rinda davlatimiz rahbarining quyidagi so'zlari yodga tushadi: «Men qayerda, qanday yig'ilish, qanday anjumanda bo'lmayin, siz navqiron yoshlarimizning vakillari bilan uchrashganda sizlarning yonib turgan ko'zlaringizni, kuch-g'ayratga to'lgan qaddi-qomatingizni ko'rganda qalbmida beixtiyor katta g'urur va iftixor paydo bo'ladi. Men sizlarning barchangizni haqiqatdan ham yaxshi ko'raman, sizlar uchun, sizlarning baxti-saodatingiz uchun butun borlig'imni bag'ishlashga ham tayyorman.

Marrani doimo baland qo'yib yashang, axir bolaiarim davr bizniki, marra bizniki!" Ha, bu so'zlar har bir yosh yigit-qiz qalbida ulkan faxr va iftixor uyg'otgani rost.

Sarlavhani "22 dovon osha!" deb bejiz nomlamadik. Chunki, dovon doimo qiyinchili-gu mashaqqatlarga limmo-lim bo'lgan. Shundanmi bu kunlarga yetishish oson bo'lmaganiga yana bir karra amin bo'lasan kishi. Mana shunday kunlarning qadriga yetaylik. O'zbekiston 2200 dovon oshganda ham bizdek yoshlari bundan-da kuchliroq, bundan-da xursand va albatta, ko'proq bo'lsin. Buning uchun esa bizlar istiqlolning istiqboliga munosib, "Elni el qilguvchi zotlar!" bo'lmog'imiz kerak!

Lola ISKANDAROVA, "Hisob va audit fakulteti" talabasi.

Kitob javoningizdan joy olsa...

Kitob insonni ulug'likka, ezgulikka chorlaydi. Kitob oshnolari har joyda o'z o'rnini topa oladi. Kitob o'qigan inson hech bo'lmaganda, tanishgan qahramonlarining xatti-harakatlaridan saboq chiqarib, o'rnak oladi. Agar har bir kitobxonda shu jarayon kechsa, yozuvchi-yu shoirlar iste'dodiga qoyil qolish kerak. Bugun men sizlarga tavsiya etmoqchi bo'lgan asarlar: «Singan setor» va «Daftar hoshiyasidagi bitiklar».

«Singan setor» Mirkarim Osimning tarixiy qissalar to'plamidir. Kitobdan «Jayhun ustida bulutlar», «Temur Malik», «Zulmat ichra nur», «Singan setor» va «Ko'ngil mehrobi» kabi beshta qissa o'rin olgan. «Jayhun ustida bulutlar» bobokalonimiz Abu Rayhon Beruniyning hayoti va unda ro'y bergan qiziqarli voqealardan iborat. Beruniyning aql-zakovati, kuch-qudrati uni hayot yo'lida ro'y bergan voqealarni boshqara olgan. U kishi avval kambag'al bir bola bo'lishiga qaramay zehni o'tkirligi tufayli ustози abu Nasr Ibn Iroqni lol qoldirganligi tufayli hayoti tubdan o'zgarib ketadi. Ustози rahnamoligida o'z ilmiy ishlarini olib boradi. Meni qissada o'ziga tortgan sahna bu — Beruniy G'aznada yashagan kezlarida shoh Mahmud G'aznaviyning saroyida ular o'rtasidagi ziddiyatdan uddaburonlik bilan chiqib ketgani. Shunday voqea ro'y beradi: Shoh

Beruniydan g`azablanadi va uni boplash uchun saroyga chaqirib shunday savol beradi: - “Qarshingizda 8 eshik. Shunchalik dono bo`lsangiz hozir men qaysi eshikdan chiqib ketishimni toping-chi “ – debdi. Beruniy esa G`aznaviyning xarakteridan kelib chiqib, qo`qqisdan hujum qilishini hisobga olgan holda, unga “Siz hech bir eshikdan chiqmay, boshqa yerdan teshik ochib chiqib ketasiz ”- deb javob beradi. Bu to`g`ri javobni eshitib shoh hayron va lol qoladi. Bu voqeadan shunday xulosa chiqarish kerakki, bobomiz doimo haqiqatgo`y va o`z fikrida doimo sobit turadi. Asarni o`qib Beruniyning buyuk inson bo`lganiga tan berdim. Kitobning nomi esa Boborahim Mashrabning hayoti bilan bog`liq. Asarni siz ham o`qing va o`zingizga badiiy ozuqa oling.

“Daftar hoshiyasidagi bitiklar” O`tkir Hoshimovning yillar mobaynida, hayot faoliyati natijasida to`plagan tajribalari mevasi. Kitobda turli mavzulardagi mulohazalar, turlicha talqin turli kayfiyatda kitobxonga yetkazib beriladi. Kitobda o`zbek xalqining hech kimga o`xshamagan samimiy xislatlari, tantiligidan tortib, urush vaqtlardagi notinchlik va noxaqliklar, insonlardagi kechinmalar yorqin aks ettirilgan. Bu bitiklarni qancha o`qisangiz shunchalik ilhom olasiz va o`zgacha fikrlar uyg`onaveradi. Ushbu kitob sizning ham kitob javoningizdan joy olsa nur ustiga a`lo nur bo`lar edi.

Lola ISKANDAROVA, «Hisob va audit» fakulteti talabasi.

AGAR YOLG‘IZ ESANG...

Bilimdonlar so'zi bordir bu bobda:

"Bilimdon go'rda-yu, ilmi kitobda!"

Agar yolg‘iz esang, hamdam kitobdir,

Bilim subhidagi nur ham kitobdur.

Abdurahmon JOMIY.

Inson koinot gultoji. U ongi bilan jamiki tirik mavjudotlar orasida ajralib turadi. Uning ongi shunday buyuk ishlarni bajara oladiki, misli ko'rilmagan

kashfiyotlarni hamda bashariyatga noma'lum bo'lgan yangidan-yangi sirlarni ochishga qodir.

Albatta, bular uchun yuksak darajadagi salohiyat va chuqur bilim talab etiladi. Ushbu bilimlarga esa inson shak-shubhasiz yoshlik davrlaridanoq intilib boradi. Bunda eng asosiy ko'makchi ota-onalar va ustozlar deb qaralsa, kitoblarning ham o'rni yaqqol seziladi. Ha, kitob bilim bulog'i! Bu gap zamirida chuqur ma'no aks etadi. Kitoblarning hayotimizda tutgan o'rni beqiyos, ular orqali biz o'z bilimlarimizni yanada kengaytiramiz, o'qiymiz, o'rganamiz. Ammo bilimlarimiz saviyasi qancha kitob o'qiganimiz bilan emas, balki qanday kitoblar mutolaa qilganimiz bilan belgilanadi. Bu gapni bejizga aytmadik, kitob o'qish natijasida biz kerakli bilimlarni egallashimiz va shu bilimlar yordamida hayot yo'llarimizni nurafshon etishimiz zarur. Lekin hozirgi kunda hamma kitoblar ham bunday xususiyatga ega emas. Biroq o'qishimizga arzigulik asarlar ham talaygina. Shunday asarlardan biri Burhoniddin Rabg'uziyning «Qissas ul anbiyo» asaridir.

Ushbu asar 1310-yilda yozib tugallangan. «Qissas ul anbiyo» asari jami 72 qissadan iborat bo'lib, «Qissasi Rabg'uziy» deb ham nomlanadi. Rabg'uziy anbiyolar – payg'ambarlar hayotidan hikoya qiluvchi qadimiy sharq qissa va afsonalarini qayta ishlab, manzarali lavhalar, jonli tasvirlar, xiyla pishiq, his-hayajon va kechinmalarga boy obrazlar hosil qilgan, kerakli o'rinlarda she'riy parchalar qo'llagan. Asarda e'tiqod va imonga sodiqlik, pok insoniy axloqning badnafslilik, hirsu hasad, qonxo'rlik va nohaqliklar ustidan g'alabasi tasvirlanadi. Rabg'uziy o'zining «Qissasi Rabg'uziy» asari bilan XIII-XIV asrlarda o'zbek nasrini o'z davrida yuqori cho'qqiga olib chiqti. Undagi qissalarda Shish, Muso, Iso, Sulaymon, Nuh, Dovud, Muhammad kabi payg'ambarlar; Xorut va Morut kabi farishtalar, Qobil va Xobil kabi shaxslar haqida turli-tuman sarguzasht voqealar hikoya qilingan. Mavzu doirasiga ko'ra, asar qissalari juda rang-barang. Olamdagi butun mavjudot egasi bo'lgan Allohni ulug'lash, payg'ambarlar hayotiga doir lavhalarni eslash, kamtarinlik va takabburlik, ota-ona va farzand munosabatlari, erk va adolat mavzulari shular jumlasidandir.

«Namrud hikoyati»da Namrud makru-hiyla bilan to'rtta karkas bolasi yordamida osmonga chiqib tushgani, «Nuh payg'ambarning kema safari hikoyati»da esa qanday qilib qaldirg'och odamlarni ilonlarga yem bo'lishidan saqlab qolganligi hikoya qilinsa, «Uzum hikoyati»da Nuh alayhissalom va Shayton orasidagi voqea tasvirlanadi (unda Shayton uzumni tulki, sher va to'ng'iz qoni bilan sug'oradi). Ushbu asarda faqatgina qissalar emas balki she'r, bayt va g'azallar ham o'rin olgan. Shu o'rinda she'rdan parcha keltirdik.

Ushbu dunyo ichra ko'rdum bosh-oyoq to'lug' chog'i,
Tinglayu turdum tugal yosh un sig'it inchiq yig'i.
Dunyo ermish bir o'luksak qiymati yo'q hech aning,
Achig'i yo'q, ul og'u yanglig' ondin ortuq sarig'i
Bu o'luksak tegrasida ko'rdum ersa ko'p telim,
Itlar urushib talashurlar bir-birga bo'lub yog'i
Eng so'nggi itlar o'lar qolur arig'siz sarig' et,
Mundin ortiq ermas ermish ushbu dunyo totig'i.

Unda bu dunyoning o'tkinchiligi va bu dunyoga berilib, umrni mazmunsiz o'tkazish qoralangan. Shu birgina parchadan bilishimiz mumkinki, asarning hozirgi kundagi qadr-qimmatini yo'qolmagan, balki yanada yuksalgan.

Z.MAMANOVA, «Hisob va audit» fakulteti talabasi.

Мехнатни муҳофаза қилишни такомиллаштириш

Мамлакатда кичик бизнесни жадал суръатларда ривожлантириш учун яратиб берилаётган энг қулай шароитлар ва жуда катта имтиёзлар микрофирмалар ва кичик корхонларда ходимлар ҳаёти ва соғлиғи кафолатланадиган меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат хавфсизлигини муттасил такомиллаштириб боришни энг устувор вазифалар сифатида белгилаб қўйишни талаб этади.

Бу йўналишда кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий чоралар кўриляпти. Хўжалик юритувчи субъектларда меҳнатни ишонарли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил қилиш ва бошқаришнинг яхлит тизими яратилган.

Шу билан бирга ишлаб чиқаришлардаги меҳнат шароитларининг таҳлили бу масалада ҳали жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Бевосита кичик бизнес корхоналарида меҳнат муҳофазаси борасида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги муаммоларни аниқладик:

- ходимларни касб касалликларидан ҳимоялаш ва уни олдини олиш борасидаги тиббий-профилактик тизим самарадорлигининг пастлиги;
- иш берувчилар ва ходимларни меҳнат муҳофазаси борасидаги билим-кўникмаларининг талаб даражасида эмаслиги;
- меҳнат муҳофазаси борасидаги ҳуқуқий қоидалар кичик бизнес корхоналари ҳолатига доим ҳам тўғри келавермаслиги ва ҳоказолар.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда, айниқса кичик бизнес корхоналарида меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Биринчи навбатда, мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амал этаётган қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиқиш, уларнинг Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тавсияларига мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек халқаро тавсиялардан келиб чиққан ҳамда миллий хусусиятлар ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда бу қонунчилик базасини такомиллаштириш йўналишларини белгилаб олиш керак.

Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияга кўра, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кўзда

тутилган. Бу қонун ҳужжатида кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйишда тадбиркорларга қўшимча қулайликлар билан бирга уларда яратилаётган иш ўринлари меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бериши зарурлигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Чунки ҳозирги вақтда микрофирмалар ва кичик корхоналарни ташкил қилишда амалдаги қонунчиликда иш жойларининг меҳнат хавфсизлиги қоидаларига мувофиқлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат талаб қилинмайди. Бунинг оқибатида уларда нафақат санитария-гигиена меъёрларига жавоб бермайдиган, балки ходимлар ҳаёт ва соғлиғи учун хавфли бўлган шароитларда меҳнат фаолияти амалга оширилишининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Меҳнат муносабатларини, шу жумладан, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни тартибга солиш амалиётида ижтимоий шерикчилик механизмидан фойдаланилади. Бу ходимлар, иш берувчилар ёки уларнинг вакиллари, шунингдек давлат ҳокимияти органлари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлаш, иш тартиби, иш билан бандлик, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш барча масалаларига тааллуқли бўлган томонларнинг манфаатларини келиштириш-га қаратилган ўзаро муносабатлар тизимидир.

Айни пайтда бошқарув органлари тизимида касаба уюшмалар ва иш берувчиларнинг бирлашмалари тимсолидаги ижтимоий шериклар ва бошқа манфаатдор томонлар иштирокида Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш бўйича билдирилаётган таклифларни қўллаб-қувватлаймиз. Бу тузилаётган битим ва шартномалар даражасини, демак жамиятдаги меҳнат муносабатлари тизимини ҳам сезиларли даражада ошириш имконини берган бўларди.

Бу ва бошқа кўпгина долзарб масалаларни ҳал этишни иш берувчи мазкур соҳага тайинланган ходим томонидан тўла ҳажмда ва ўз вақтида бажаришига умид қилиб бўлмайди. Шунинг учун кичик бизнес корхоналарида ҳам махсус меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил

этиш ёки ушбу йўналишган ихтисослашган ташкилот билан шартнома асосида иш олиб бориш масаласи ҳал этилиши керак.

Кичик бизнес корхоналарида суғурта тарифларини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, ходимларнинг вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик кўрсаткичларига қараб ўзгартириш тартибини жорий этиш ҳам иш берувчиларнинг меҳнат шaroитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашдан иқтисодий манфаатдорликларини ошириш мақсадига хизмат қилган бўларди

Кичик бизнес корхоналарига меҳнат шaroитларини яхшилашда маҳаллий ҳокимият органлари ҳам, жумладан, шахсий ҳимоя воситаларини харид қилишдаёрдан кўрсатишлари, ўз бюджетлари ҳисобидан турли имтиёзлар беришлари мумкин. Бу пировард натижада уларнинг мамлакат иқтисодиёти барқарор юқори суръатларда ўсиши, меҳнатга лаёқатли аҳолини хавфсиз иш жойлари билан таъминлаш ва улар даромадларини оширишга қўшаётган ҳиссаларини янада оширишга хизмат қилади.

Санжар ҒОЙИПНАЗАРОВ, ўқитувчи.

Иқтисодий фанларни ўқитишда уларни тарбиявий таъсирини кучайтириш муаммолари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиши билан режалаштиришга асосланган ижтимоий-иқтисодий тизимдан воз кечиб, бозор муносабатларига асосланган ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантирмоқда.

Маълумки, янги жамиятни шакллантириш учун унга тааллуқли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий тизимлар шаклланиши лозим.

Бу тизимлар Республикада ҳар томонлама ишлаб чиқилди ва юқори суръатларда самарали амалга оширилмоқда.

"Тарихан қисқа вақт ичида, - таъкидлайдилар Республика Президенти Ислон Каримов, - совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодий эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди".

Амалга оширилган чора-тадбирлар таркибида таълим соҳасини ривожлантириш алоҳида ўринга эга бўлди, чунки Республикада барпо этилаётган бозор муносабатларининг талабларига жавоб берадиган янги таълим тизими, янгича фикрловчи ёш авлод, мутахассисларни тайёрлаш замон талаби эди.

Бу муаммоларни ечиш мақсадида Республикада 1997-2009 йилларга мўлжалланган кадрлар тайёрлаш миллий дастур ишлаб чиқилди, амалга оширилди. Ушбу дастурга биноан 12 йиллик таълимга ўтилди, узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди ва амалга оширилмоқца.

Умум таълим бериш, мутахассислар тайёрлаш ўқувчиларни янги жамият, замон талабларига жавоб берадиган даражада тарбиялаш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Тарбиялаш жараёни мураккаб, кўп қиррали, шаклли бўлиб, уни амалга оширишда иқтисодий фанларни ўқитишни унга таъсири алоҳида аҳамиятга эга, чунки иқтисодий фанлар орқали Республикада янги жамиятни шакллантириш қонуниятлари, қонунлари, уларни амалга ошириш йўллари, Республикада барпо этилаётган ижтимоий ишлаб чиқариш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, аҳолининг фаровонлигини кўтариш ва бошқа муаммолар ёритилади.

Буни Республикада махсус ўқув курси сифатида шаклланаётган "Иқтисодий тараққиётнинг "Ўзбек модели" — амалда" ўқув курси мисолида кўришимиз мумкин.

Маълумки, Иттифок тугатилиши билан собиқ иттифок республикалари мустақил давлатларга айланиб, ҳар бири ўзи танлаб олган йўли билан бозор муносабатларига ўтмоқда, шу жумладан Ўзбекистон ҳам бозор муносабатларига ўтиш борасида ўзининг йўлини танлаб "Ўзбек модели"ни ишлаб чиқиб, уни амалга оширмоқда.

Иқтисодий тараққиётнинг "Ўзбек модели" Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг махсус ёзилган асарларидан — "Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида", маърузаларидан — "Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда", "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли"да ҳар томонлама асослаб берилди.

"Ўзбек модели"нинг ҳаётийлиги республика иқтисодиётининг мустақиллик давридаги, шу жумладан жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида юқори суръатларда ривожланиши билан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳамдўстликдаги давлатлар таркибида 1995 йили биринчи бўлиб ўз халқ хўжалигини барқарорлади, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кўпчилик мамлакатларда ишлаб чиқариш қисқарган, аҳолини меҳнат билан бандлик даражаси пасайган бўлса, республика иқтисодиёти юқори суръатларда ривожланиб, аҳолининг меҳнат билан бандлик даражаси ошиб борди.

Иқтисодий тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни асосланганлиги нафақат республикада, балки халқаро миқёсда тан олинди.

"Иқтисодий тараққиётнинг "Ўзбек модели" амалда" номли ўқув курснинг тарбиявий таъсири, фикримизча, ўз ифодасини қуйидагиларда топади:

— "Ўзбек модели" ўз вақтида ташқаридан таклиф қилинган "Шок терапияси" йўлидан воз кечиб, бевосита республикада, унинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилди.

— "Ўзбек модели"нинг моҳияти, мазмуни, йўналтирилганлиги, чуқурлаштириш ва амалга ошириш йўллари Республика Президенти Ислом Каримовнинг махсус ёзилган асарларида, маърузаларида асослаб берилди.

— Демак, республикада шаклланаётган янги жамиятнинг назарий асослари илгари марксизм-ленинизм таълимотларидан воз кечиб, Республика Президенти Ислом Каримовнинг асарларида ишлаб чиқилди, бу билан юртдошларимиз фахрланишлари лозим.

— "Ўзбек модели"нинг негизини ташкил этувчи бешта тамойиллардан ҳар бири фақат ижтимоий-иқтисодий эмас, тегишли тарбиявий аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш, республика иқтисодиёти тахминий ўлчашлар, сиёсий шиорлар асосида эмас, ҳар томонлама чуқур ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади.

Давлатнинг бош ислохотчилиги бозор муносабатларига ўтиш борасидаги иқтисодий ислохотларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишда, республика аҳолисининг фаровонлиги кўтаришда намоён бўлади.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти барпо этилиб, республика аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш стратегик йўналишга айланади.

Янги жамиятни шакллантиришда қонуннинг устуворлигини таъминлаш, қонуний давлат фаолиятини таъминлаш билан бирга инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялайди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнини революцион йўл билан эмас, эволюцион йўл билан, босқичма-босқич амалга ошириш бозор муносабатларига ўтишни республика аҳолисига салбий таъсир этувчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий зиддиятларсиз, иқтисодий ислохотларни ҳар бир босқичи натижаларини таҳлил қилиб, иқтисодиёт тараққиётини жадаллаштириш аҳоли фаровонлиги кўтариш мақсадида амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, иқтисодий фанларни ўқитишда уларнинг тарбиявий таъсирини амалга ошириш, кучайтириш замон талабидир ва бунинг учун тегишли имкониятлар мавжуд.

Эргаш АКРАМОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,

иқтисод фанлари доктори, профессор.

ДАВЛАТНИНГ МОЛИЯВИЙ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАР

Ислохотлар стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг кенг қамровли дастакларини ўз ичига олади. Мана шундай энг муҳим дастаклардан бири давлатнинг изчил молиявий сиёсати ҳисобланади.

Молиявий сиёсат ҳақида сўз юритар эканмиз, биз унинг ниҳоятда кўп қиррали ва мураккаб категория эканлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Ҳозирги кунга қадар молиявий сиёсат тушунчаси борасида ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, ғарб иқтисодчилари Стенли Фишер, Рудигер Дорнбуш ва Ричард Шмалензиларнинг фикрича, молиявий сиёсат мустақил тушунча ҳисобланмайди. Улар молиявий сиёсат тушунчасига фискаль сиёсат

тушунчаси орқали ёндашадилар. Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши ҳисобланади.

Хорижий иқтисодчилар Р.Кэмпбелл, Макконелл ва Л.Стэнли Брюлар ҳам шунга ўхшаш фикрларни билдириб, молиявий-бюджет ва фискал сиёсат тушунчаларини бир ўринга қўйишади. Молиявий сиёсатга тўлароқ тушунчани М.К.Шереметьев қуйидагича беради: *биринчидан*, молиявий сиёсат – бу молиядан фойдаланиш бўйича давлатнинг асосий йўналишидир; *иккинчидан*, молиявий сиёсат мамлакат иқтисодининг ичида рўй берувчи молиявий жараёнларнинг натижасидир.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Ваҳобов ва Т. Маликовларнинг фикрига кўра, молиявий сиёсат, бу – такрор ишлаб чиқаришнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш ва узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун ижтимоий бойликни шакллантириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларига йўналтириладиган мақсад ва вазифаларнинг ечилишини аниқлашга айтилади.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, молиявий сиёсат – молиядан фойдаланишнинг узоқ ва ўрта муддатли истиқболларини белгилаб берувчи ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган муҳим вазифаларнинг ҳал қилинишини тақозо этувчи стратегик йўналишлардир.

Шунингдек, молиявий сиёсат молиявий муносабатларни ташкил этишнинг конкрет шаклларида намоён бўлади, булар: классик, тартибга солувчи, режали директив.

• *Классик молиявий сиёсат.* Ушбу молиявий сиёсат XX асрнинг 20-йилларигача кўпгина мамлакатларда молиявий сиёсатнинг асосий тури бўлиб келган. Бу борада сиёсий иқтисодчилар А.Смит ва Д.Рикардолар концепцияларининг моҳияти шундан иборатки, давлат иқтисодиётга аралашмасдан эркин рақобатни сақламоғи лозим ва жамият хўжалик ҳаётини тартибга солишда асосий урғу бозор механизмларига берилиши керак, деб изоҳланган.

- *Тартибга солувчи молиявий сиёсат.* XX асрнинг 20 йиллари охиридан бошлаб жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда бирмунча ўзгарган ҳолда амал қилмоқда. Унга инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнснинг илмий асарлари асос қилиб олинган. Ушбу сиёсат давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва унинг циклик ривожланишини тартибга солиш заруриятига асосланган. Мазкур молиявий сиёсат молиявий механизмдан аҳолининг тўла бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун фойдаланишни ҳам мақсад қилиб қўйган.

Умуман олганда, Кейнсча тартибга солувчи молиявий сиёсат XX асрнинг 30-60 йилларида кўплаб мамлакатларда барқарор иқтисодий ўсишни, юқори даражадаги бандликни ва ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришнинг самарали тизимини таъминлай олди.

- *Режали-директив молиявий сиёсат.* Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан фойдаланувчи мамлакатларда қўлланилади. Мазкур сиёсат ишлаб чиқариш воситалари давлат мулки бўлишига асосланган бўлиб, бу иқтисодиётнинг ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига директив раҳбарликни амалга ошириш имконини беради. Мазкур сиёсатнинг мақсади – давлатнинг қўлида молиявий ресурсларнинг максимал даражада тўпланишини, сўнгра давлат режасининг асосий йўналишларига мувофиқ қайта тақсимланишини таъминлашдир. Режали-директив молиявий сиёсат собиқ иттифоқ даврида олиб борилган. Иккинчи жаҳон уруши, халқ хўжалигини тиклаш ва бошқа йилларда ўзининг самарали эканлигини кўрсатган.

Таъкидлаш лозимки, миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштиришда давлатнинг молиявий сиёсати ва унинг таркибий қисмларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, макроиқтисодий барқарорликни янада ошириш, давлатнинг ички ва ташқи қарзларини минимал даражага келтириш, бюджет камомадининг олдини олиш,

мамлакатда ЯИМнинг ҳажмининг ўсиши, аҳолининг турмуш даражасини янда оширишга хизмат қилади.

Анис ҲАМИДОВ, «Кредит-иқтисод» факультети талабаси,

Шохруҳ РУСТАМОВ, «Суғурта» факультети талабаси.

Одамга энг ярашиқли либос одоб либосидир.

Мансурхон ТОИРОВ

Шуни доимо эсда тутинг: эгаллашни истаётган ўрнингиз учун кийининг, ишлаётган ўрнингиз учун эмас.

Дональд ТРАМП

Инсон ўзини ким деб намоён этмоқчи бўлса шундай кийинадими?

Ёшлик — инсон умрининг энг гўзал, орзу-мақсадларга, ҳис-туйғуларга, куч-қудратга лиммо-лим даври. Ёшликка кўп нарса ярашади: орзу ҳам, чунки унинг келажаги бор, ҳаволанишу хатолар ҳам, чунки ҳали тажрибаси кам, боши деворга урилмаган, чиройли кийиниши ҳам, чунки у навқирон. Аммо ҳар шининг ҳам ўз меъёри, чеки-чегараси бор. Кийинишининг ҳам.

Гапни бекорга ёшлик ҳақида бошламадик. Чунки айнан ёшлик даврида инсонда ўзига хосликка интилиш, бошқалардан ажралиш туришига бўлган ҳаракат кучлироқ бўлади. Тан олайлик, инсон ўзини ким сифатида кўрсатмоқчи бўлса, шундай кийинади. Устимиздаги либосга қараб ўз-ўзидан хатти-ҳаракатларимиз, ён-атрофимиздаги одамларнинг биз ҳақимиздаги фикрлари шаклланади. Бугун кийиниши маданиятининг инсон саломатлиги учун таъсири қай даражада муҳим ва аҳамиятли экани тиббиёт томонидан тўла-тўқис исботини топган. Шунинг учун биз қуйида халқимизнинг келгуси фаровонлиги ва мамлакатмиз ривожига ҳал қилувчи рол ўйнаши кутилаётган талабаларнинг кийиниши маданиятига эътибор қаратган ҳолда, мавзу-

нинг маънавий-тарбиявий жиҳатларига кўпроқ урғу берамиз. Қўйида мавзуга доир фикрлар билан танишасиз.

Дилшод ЖУМАНАЗАРОВ, «Суғурта» факультети талабаси, «Камолот» ЁИХ ФБТ фаоли: Шиддат билан одимлаб бораётган ҳозирги давр барча жабҳада бўлгани сингари инсон ақл-заковати, тафаккури, унинг дунёқарашига ўз тасирини ўтказибгина қолмай, унинг диди, фахм-фаросатини ҳам чархлайди.

Шу ўринда аجدодларимизнинг кийиниш маданиятига назар солсак, либослари, зебу зийнатлари ўзига хос, ранг-баранг бўлганини кўрамиз. Умуман олганда, ҳар бир давр либоси ўша замон маданиятининг маълум маънодаги кўзгуси ҳисобланган. Яъни либосга қараб ҳар бир давр кишиларининг кийиниш одоби, маданияти хусусида фикр юритиш мумкин. Ўз ўрнида бирор мамлакат ёки миллатнинг кийиниш маданиятига бошқа бир халқ маданиятининг таъсири, албатта сезилади.

Тажрибадан маълумки, асосан мактабларда ўқувчилар киядиган ўзига хос либослар таомилга киритилган. Бунинг замирида таълим олишда чалғитадиган сунъий тўсиқларни олиб ташлаш ғояси мужассам. Бир хил либос талабаларларда ҳам кўп жиҳатдан тенглик, ҳамкорлик ҳиссини уйғотади. Бу эса уларнинг эътиборини фақат ўқиш ва ўрганишга жалб этади. Талаба ҳам ўз навбатида институтда билим олиш ва ўрганиш учун келганлигини дилдан ҳис этади. Қолаверса, миллатимизга хос бўлган либослар таълим муассасаларида ижодий муҳит яратади.

Менимча талабалари ўқишга қўйидагича либосларда келишлари керак:

Ўғил болалар учун: бежирим андозада тикилган, тоза ва дазмолланган тўқрангли шим, очрангда кўйлак, тўқрангдаги костюм, бўйинбоғ(сипо).

Қиз болалар учун: тиззадан юқори бўлмаган тўқрангдаги юбка ва очрангдаги кофта, тўқрангдаги костюм(сипо), бежирим, ўта тор ёки кенг бўлмаган, ортиқча безаклардан холи ва ранг-баранг бўлмаган, тоза ҳамда

дазмолланган бўлиши лозим. Сочлар икки ёғи битта қилиб турмакланган, пардоз-андозалардан холи ва тақинчоқлар меъёридан ошмаслиги керак(фақат ихчам зиракка тақиш мумкин).

Шу ўринда оммавий маданиятнинг кийиниш одобига қандай йўллар билан таъсир этаётганини айтиб ўтишни жоиз деб биламан.

1. Турли қўшиқларга олинган клиплар.
2. Турли хилдаги журнал ва газеталар.
3. Интернет (ижтимоий тармоқлар).
4. Кинолар (айниқса сериаллар).
5. Реклама ва ҳоказолар.

XXI аср тараққиёт асри, глобаллашув асри, фақат интеллектуал жиҳатдан юксак ривожланган шахсларгина дунёда устувор макъа эгаллайдиган давр эканлигини барчамиз теран ҳис қилишимиз лозим.

Мана шундай даврда ўз тақдирини ўз қўлига олиб, янги ҳаёт, янги жамиятда ўз ўрнини топиб, меҳнати билан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, тараққий топган, тинч, фаровон ва осуда ҳаёт барпо этадиган ёшлар асосий куч бўлиб гавдаланади.

Санжар СОБИРЖОНОВ, «Молиявий менежмент» факультети талабаси: Талабаларнинг олий таълим муассасаларига белгиланган тартибдаги либосларда келишлари мақсадга мувофиқ. Кийим дизайнини танлашда ҳудуднинг иқлим шароити, ёш ва физиологик ривожланиш хусусиятлари ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятларга мослиги инобатга олиниши зарур.

Афсуслар бўлсинки, бугунги кунда айрим қизларимиз кийиниш борасида бироз олдинлаб кетаётганлигини кўришимиз мумкин. Нима бўлган тақдирда ҳам бизнинг ўз маданиятимиз бор. Буни четлаб ўтиш керак эмас.

Сўнгги пайтларда “Европача кийиниш” деган расм-русумлар пайдо бўлмоқда. Тўғри, бугунги глобаллашув даврида чет мамлакатлардан кўплаб янгиликлар кириб келмоқда ва бу бизнинг маънавий онгимизга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда бир савол пайдо бўлади: нега европаликлар бизнинг миллий кийимларимизни кийишмайди!!!!(Қизиг-а)

Бугун одамларимиз орасида дид билан кийинган кишилар шарқона меъёрлар асосида баҳоланмоқдами ёки Ғарб поп-култураси андозалари асосидами? Менимча, кийиниш борасидаги энг катта хатомиз – бу маданиятни Ғарб меъёрлари билан белгилаётганимиздир. Либосларимизда миллийликни акс эттирувчи омиллар тобора камайиб кетяпти. Ўзбек шоу-бизнеси “тарғиб” қилаётган либосларнинг ҳаммасига ҳам ижобий муносабат билдириб бўлмайди. Айниқса, йигитларнинг бироз енгил, аёллар учун мос ранглардаги либосларни кийиши ёки қизларнинг ҳаддан ташқари очиқ ва ранг-баранг кийиниши миллийликка, маънавиятимизга, асло, тўғри келмайди.

Талаба-қизларнинг сочлари текис турмакланган бўлиши зарур. Калта юбка ва олди ҳаддан ташқари очиқ кўйлак киймасликлари керак. Ўз шахсини ҳурмат қилишлари, жамиятда мавжуд бўлган ёзилган ва ёзилмаган қонунларга, маънавий, тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширишлари шарт.

Дилсўза НИГМАТОВА, «Чет тиллари» кафедраси ўқитувчиси: Биз бугун талабаларимизнинг илм-фанда, спортда, санъатда ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқларини эътироф этиш, фахрланиш билан бирга уларнинг ташқи кўринишларига, ўзини тутиши, кийиниш маданиятига ҳам бефарқ бўлмаслигимиз керак. Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб узок асрлар давомида аجدодларимиз томонидан яратилган бой ва бебаҳо маънавий-маданий меросимизни қайта тиклаш, замонавий билимларни ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш давлат сиёсати даражасига

кўтарилган вазифа эканлигини ҳаммамиз англаб олдик ва бунга ёшми-карими ўз ҳиссамизни қўшишга тайёр бўлишимиз керак.

Кийиниш ҳам маънавиятнинг ўзига хос кўринишидир. Маънавият деганда ҳар бир кишининг ўз ҳалқи, Ватани тарихини яхши билиши, ўзга халқлар маданий қадриятларидан хабардор бўлиши, уларнинг орасида миллий маданий меросимизнинг ўз ўрнини тўғри баҳолаб олиши, шунингдек, замонавий билимларни эгаллаш орқали ҳар томонлама етук, бой дунёқарашга эга бўлиши, имкон даражасида она Ватанимизнинг жаҳон цивилизацияси томон юз тутушини тезлаштириш маънолари мажмуаси тушуниш ҳар бир талабанинг бурчи ва маънавий вазифасига киради.

Ўз миллий урф-одатларини унутиш, чет элликларга тақлид қилиш ҳеч қачон фазилят саналмайди. “Мен ўзбекистон фарзандиман” деган фахр билан яшаш, ўз касбини чуқур эгаллашда маъсулиятли бўлиш, оилапарвар, ота-она, маҳалла куй, эл-юрт олдида бурчини тўғри англай олиш ҳар бир талабанинг маданиятини акс эттириши лозим. Қолаверса, ёшлик давридан моддий бойликка, ясан-тусанга, ҳашамга ружу қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Талаба таълим муассасасига биринчи галда ўқиш учун келади, ўзини кўз-кўз қилиш учун эмас.

Минг афсус билан қайд этиш керакки, миллий менталитетимизга хос кийинмайдиган талабалар ҳам учраб туради. Шунга қарамай ўқув даргоҳи муқаддас жойлигини, унга аввало билим олиш учун келинишини унутмаслигимиз лозим. Тўғри, инсон яхши, озода кийиниши зарур. Бундай кийимда инсон ўзини тетик ва бардам сезади, давраларга уялмасдан кира олади, ўзини ташқи кўринишига хос тутади. Бекорга ҳам ҳарбийлар ва шифокорларга кийим кийишда қатъий тартиблар жорий этилмаган. Улар шу либосларида бир сония ҳам қайси касб эгаси эканликларини ёдларидан чиқармайдилар. Худди шу талаб илми толибларга ҳам бегона эмас, назаримизда.

Озод ЖАЛИЛОВ, «Суғурта» факультети талабаси,

«Камолот» ЁИХ ФБТ етакчиси.

МИЛЛАТ РУҲИНИНГ ҚУДРАТИ

Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўрта-сидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.

Ислом КАРИМОВ.

Бундан йигирма тўрт йил муқаддам – 1989 йилнинг 21 октябрь куни Юртбошимиз ташаббуси, жонкуярлиги, фидойилиги, қатъийлигию жасорати туфайли она тилимизнинг давлат тили деб эълон қилинганлиги миллатимиз ва Ватанимиз тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзишга арзигулик том маънодаги буюк воқеа бўлганлигининг бекиёс қувончию шукуҳи ҳали-ҳануз қалбимизни фахру ифтихор ва ғурур туйғуларига тўлдириб турибди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, сал кам бир юз эллик йилдан кейин бундай мўъжизанинг рўй бериши бутун осмонни қоплаган қоп-қора булутлар бағрини ёриб чиқиб, оламни мунаввар этган қуёш янглиғ эди. Аммо, бу оламшумул мўъжиза ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг ортида қанчадан-қанча курашлар, баҳс-мунозаралар, тортишувлар, уйқусиз тунлар-у изтироблар турибди.

Бу пайтда шўролар ҳукумати парокандаликка юз тутиб, чок-чокидан сўкилиб бораётган бўлса-да, ҳали ўз таркибида бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини қандай йўл билан бўл-масин, олиб қолиш пайига тушган, вазият ниҳоятда оғир, қалтис ва таҳликали эди. Шубҳасизки, бу ўта хушёрликни, кескинлигу кескирликни, ҳар бир қадамни билиб босишни, етти ўлчаб, бир кесишни тақозо этарди.

Таъкидлаш жоизки, қизил империя аждарлари оғзини ланг очиб, эзгу ишларимизга қарши олов пуркаб турган ана шундай нотинч шароитда ўз она

тилига давлат тили мақомини бериш масаласини кун тартибига қўйиш унча-бунча раҳбарнинг қўлидан келмаслиги кундай равшан. Юртбошимиз эса бутун масъулиятни зиммасига олган ҳолда хавф-хатарга тўла тўсиқларни мардонавор енгиб, миллатимизнинг асрий орзу-армонини рўёбга чиқаришга эришди. Бу афсонавий қаҳрамонлик бўлди десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзингиз бир ўйлаб кўрин-га, бир томондан Москванинг дўқ-пўписалари, иғволарию ҳийла-найранглари авжига чиққан, иккинчи томондан Юртбошимиз билан ёнма-ён ишлаётган казо-казо раҳбарлар орқаларида турган “марказ”га ишониб, очикдан-очик икки тиллик сиёсатини илгари суриб турган чоғда бениҳоя вазминлик, бағрикенглигу жўмардлик билан “бизнинг айтганимиз бўлади” деганларни доғда қолдириш Ислом Каримовдан бошқа кимнинг ҳам қўлидан келар эди?! Шубҳасизки, бунга фақат Юртбошимиз қодир эди. Тилнинг миллат маънавиятию маданиятини юксалтиришдаги қадру қимматини, қудратию аҳамиятини бўй-басти ила теран англаган давлатимиз раҳбари 1989 йил 25 октябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида “...ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб тўғри айтишади” (Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, 69-бет) дея таъкидлагани фикримизнинг ёрқин далилидир. Чиндан ҳам ўз она тилини билмаган одам ўзлигини, ўз тарихини, ўз маданиятини, аждодлари қолдирган бой меросни туб илдизига қадар англаши қийин. Бу эса унинг она тили орқали тушиниладиган энг покиза ҳис-туйғулар, ҳислат ва фазилатлардан йироқ бўлишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

“Мен,- дейди хорижий мамлакатлардан бирида таҳсил олаётган ёшларимиздан бири, - Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романани инглиз тилида мутолаа қилиб, қоникмаганимдан сўнг, уни рус тилида ўқиб чиқдим. Аммо, ўзим кутган маънавий озукани ололмаганим учун мазкур асарни ўзбек тилида жуда катта қизиқиш билан ўқидим. Асар билан иккинчи бор юзма-юз

бўлганимда ёзувчи ёнида туриб, бирга қувондим, бирга қайғурдим, бирга йиғладим. Бу мен учун жуда катта сабоқ бўлди. Ўз она тилимнинг нақадар гўзал, нақадар жозибали, нақадар бой ва таъсирчан кучга эга эканлигини ҳис этиб, ич-ичимдан қувондим. Бу туйғу мени буюк тарихимиз саҳифалари сари чорлади. Алишер Навоий, Амир Темур, Беруний ва Хоразмий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом сингари кўплаб алломалар, шоир ва адиблар асарлари билан ошно бўлдим. Энг муҳими ўз она тилимга бўлган ҳурмат ва муҳаббатим бекиёс даражада ошди...”

Ўз она тилининг софлиги ва равнақи учун ҳаётини бахшида этган Алишер Навоийдан то Абдулла Авлониёга қадар кўплаб улуғ зотлар номлари тиллардан тилларга, авлодлардан авлодларга ўтиб, юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб келмоқда. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу шарафли анъанани изчил давом эттириш миллат маънавияти ва илм-фанини энг юқори чўққиларга олиб чиқишнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

"Маълумки, - дейди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида, - ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониёнинг сўзлари билан айтганда, "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур". Ҳақ гап. Буни ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласида бўлиб ўтган кескин ва муросасиз баҳс-тортишувлар мисолида яққол кўриш мумкин. "Ўшанда, - дея ўз фикрини давом эттиради Президентимиз, - айрим сиёсий гуруҳлар Ўзбекистон шароитига мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига бутунлай зид ва қарама-қарши фикрларни олға сурган, шунинг ҳисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боғлиқ муаммолар орқали миллий туйғуларни рўқач

килиб, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Мана шундай ўта калтис ва мураккаб вазиятда агарки озгина эҳтиросга берилсак, ҳушёрликни йўқотсак борми, арзимаган учкундан ўт чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Марказда ва ўзимизда қулай баҳона кутиб, пайт пойлаб турган империяпараст кучларга айнан шу нарса керак эди. Аммо биз улар кутган йўлдан бормадик. Оғир-вазминлик билан иш тутиб, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилиб, барча сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг талабларини кондирадиган, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топишга эришдик."

Чиндан ҳам Юртбошимиз танлаган йўл тўғри эканлигини ғоят қисқа вақт ичида ҳаётнинг ўзи исботлади. Бу аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, сиёсий гуруҳлар, барча миллат ва элат вакиллари томонидан билдирилган таклифларда ҳамда лойиҳанинг ҳар бир моддаси бўйича айтилган фикр-мулоҳазаларда ёрқин акс этди. Жонкуярлигу фидойилик билан амалга оширилган тадбирлару саъй-ҳаракатлар зое кетмади. 1989 йилнинг 19 октябрь куни Олий Кенгаш сессиясида ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди.

Орадан уч йил ўтиб, 1992 йил 7 декабрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида давлат тили ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Шубҳасизки, истиқлол йилларида ўзбек тилининг обрў-эътиборини ошириш борасида мамлакатимизда жуда катта ташкилий-амалий ишлар қилинди. Айниқса, унинг давлатимиз байроғи, герби, мадҳияси-ю, Конституцияси билан бир сафда туриши ҳамда қонун билан ҳимоя қилинган муқаддас тимсолга айланганлиги, шунингдек, ўзбек тили равнақига бағишланган кўплаб илмий, бадиий ва публицистик асарлар яратилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан тайёрланиб, нашр этилган беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" каби фундаментал ишлар диққатга сазовордир. Бундай хайрли ишларнинг давом эттирилаётганлиги эса ғоятда қувонарлидир.

“Ўтган давр мобайнида, - дейди Президентимиз Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида, - давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Айниқса, давлат тилининг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур”.

Тўғри, қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Ўрни келганда, аччиқ бўлса ҳам очик айтиш керакки, адабий тил тарғиботи билан шуғулланувчи оммавий ахборот воситалари бу борада ташаббускор ва фидойи бўлиш ўрнига уларнинг айримлари, хусусан телевидение ва радио фаолиятига шева элементларининг шилимдек ёпишиб олганлигини айтмасдан бўлмайди. Айниқса, аксар телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар бошловчилари адабий тил қодаларидан тамоман йироқ. Бу борада нодавлат телевидениеси ва радиолари пешқадамлик қиладиганликларидан кўз юмиб бўлмайди. Баъзи бир кўрсатув, эшиттириш ва бадиий фильмларда афсус билан бош чайқашга мажбур қиладиган ҳаёсиз мулоқотлар ҳам юз очмоқда. Мулла билганини ўқийди деганларидек, бошловчи ҳам, иштирокчилар ҳам худди чойхонада ўтиргандек, андишани четга суриб, оғизларига келганини сўзлайдилар. Пойинтар-сойинтар гаплари, мантиқсиз фикрлари, беўхшов хатти-ҳаракатлари-ю, кулгилари билан сизни қойил қолдирмоқчи бўладилар. Гўёки улардан ақлли одам йўқдек. Ахир, бу эндигина ўз боғини топган "булбул"ни камситиш эмасми? Ёки қарийб бир ярим асрлик қарамлик азобларини дарров унутдикми? Қани

миллий ғурур? Қани давлатимизнинг ҳуқуқий мақомига эга бўлган она тилимизга кўрсатаётган ҳурмат ва эҳтиромимиз? Қани унинг барқ уриб яшнаши йўлидаги жонкуярлигимиз? Нега тилшунос ва адабиётшуносларимиз, адиб ва журналистларимизнинг айнан шу масаладаги танқидий фикрларига, тавсия ва таклифларига бефарқ қараяпмиз?!..

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида она тилимиз ҳақида билдирган қимматли фикрлари-ю, йўл-йўриқлари барчамиз учун энг муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётган бир пайтда биз ёнамасак ким ёнади? Айни пайтда Навоий бобомизнинг "Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз" деган сўзларига нафақат ўзимиз, балки фарзандларимизни ҳам риоя қилишга ўргатсак мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зеро, она тилимиз миллатимиз руҳининг қудрати, ғуруримиз, оримиз, шон-шавкатимиз, фахру ифтихоримиз. Унинг сўзларини ўрнида ва тўғри ишлатиш халқимиз ўртасидаги меҳроқибат ришталарини мустаҳкамлайди, ёшларимизни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, она Ватанга садоқат руҳида комил инсонлар қилиб тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этади.

Тилимизнинг поклигию софлиги, тўғри талаффуз этилиши, ёқимли эшитилиши маънавиятимиз юксаклигининг нишонасидир. Тилимизнинг гўзаллиги – миллатимиз гўзаллиги. Тилимизнинг қудрати миллатимиз қудратидир. Шу боис она тилимизни мунис ва меҳрибон онамиз алласини севгандек севишимиз, ардоқлашимиз. Унинг камоли учун фидойи бўлиб хизмат қилмоғимиз лозим. Унинг гўзал, нафис, латофатлию жозибали, жарангдор, тиник ва равонлигини сақлаб қолиш ва бойитиб бориш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Она тилимиз диллардан дилларга, тиллардан тилларга ўтиб, олам аро баралла янграйверсин! Унинг жамолию камолига асло кўз тегмасин! Шеъру ғазалларимиз жилғаларида шалоладек шарқираб оқаверсин!

Она тилим, онажон тилим,

Жисму жонимга жонон тилим.

Сен туфайли англадим ўзни,
Англадим қадрин ҳар бир сўзни.
Билдим, тарихинг буюклигин,
Буюк тарихинг суюклигин.
Ва лекин, қайси бир замонлар,
Кўксингни кўзламиш камонлар.
Минг ҳийла-ю, найранг ишлатиб,
Баҳору ёзингни қишлатиб-
Тушингга кирмаган “улфатлар”,
Бошингга солдилар кулфатлар.
Лек, сен ғолиб чиқиб майдонда,
Қон каби жўшиб жисму жонда.
Қанотларинг бўлиб истиклол,
Жумлаи жаҳонни этдинг лол.
Она тилим, онажон тилим,
Жисму жонимга жонон тилим.
Сен ҳаётимнинг сўлмас гули,
Сен баётим ўлмас булбули.
Сен ўзингсан ғурурим, орим,
Ўзалликда чин Дилоромим.
Қирларнинг қип-қизил лоласи,

Жилғаларнинг шўх шалоласи -

Илҳомим париси оқ қушим,

Оқ қуш каби оппоқ тушим.

Чўлпону Фитратнинг аҳди ҳам,

Қодирий бобомнинг бахти ҳам-

Бари, бари, бари сен ўзинг,

Қуёшнинг тафтига тенг юзинг.

Она тилим, онажон тилим,

Жисму жонимга жонон тилим.

Айтмоқ учун шаънингга шараф,

Шоирлар тизилмиш бир тараф.

Шекспир, Пушкин, Гёте, Байрон,

Қаламларин тарошлаб шу он –

Алишерга бағишлаб назм,

Навоийга қилдилар таъзим.

**Нуриддин ОЧИЛОВ, институт “Устоз ва мураббийлар”
Кенгаши раиси, «Энг азиз, энг улуғ» Республика танлови ғолиби.**

Ишнинг қули эмас, ҳукмдори бўлгин

Яшаш шартлари:

- ўзингга ва бошқаларга зарар келтирма;
- ўзингга ва бошқаларга фойда келтир.

Севган – севимли бўлади.

Ишнинг қули эмас, ҳукмдори бўлгин.

Виждон борлигини айб иш қилганда билса бўлади.

Тўқ балиқлар қармоққа алданмайди.

Хатодан фойдаланиб, муаммо чиқариш душманнинг иши.

Кечиримлини кечиришади. Кечирмайдиганларни кечиришмайди.

Бошқалар савиясидан пастлик излаган одамнинг савияси баланд бўла олмайди.

Ҳаваскор файласуф кўп гапиради.

Адолатдан манфаат, манфаатдан адолат излаган одам адолатли ва манфаатдор бўлади.

Нопоклар ўзи ёмон кўрган одамни ҳаммага ёмон кўрсатиши керак.

Кўрса кўролмайди, кўрмаса туролмайди.

Аёлларни яхши кўрадиган балиқчини кўрганим йўқ.

Маданиятсиз одамни қачон аниқлаш осон? Шошилганда!

Яхши гоя ўлмаслиги учун ёмон шароитга ҳам мослашиши керак.

Ёмон гапни ҳамма эшитади. Бироқ уни фақат шаллақилар кучайтиради ва тарқатади.

Душманларнинг борлиги ҳам фойда беради. Масалан, илк шаҳарлар душмандан сақланиш воситаси сифатида пайдо бўлган.

Камчиликни сезмаслик – энг катта камчилик.

Чиқаётган қуёш – ботаётган қуёшдан фойдалироқдир.

Биринчи тугма нотўғри тақилгандан сўнг, тамом бошқа тугмаларни тўғри тақишдан фойда йўқ.

Меъёр бор жойдан шайтон айланиб ўтади.

Ўқ олдинга кетиши учун милтиқ орқага тиралишга мажбур.

Кунгабоқар гуллаётганда кунга боқади, гуллаб бўлганидан сўнг ерга боқади.

Инсон қалби – тубсиз денгиз, чексиз баланд тоғ.

Баъзиларни шайтон йўлдан уради, баъзилар шайтонни йўлдан уради.

Ёмон одамни жазолаш шарт эмас, чунки у ўзини ўзи барибир жазолайди.

Энг ёмон чарчоқ бекорчиликдан пайдо бўлади.

Мевани маданиятга, унинг ширасини маънавиятга ўхшатса бўлади.

Маънавият, бу кўринишимиз, шаклимиз эмас, маънавият, бу ички мазмунимиз, моҳиятимиз.

Қанча кўп жаҳлинг чиқса, ўшанча кам яшайсан.

Ҳал қилиш қийин бўлган муаммога дуч келсанг, унга реал қара, агар у ҳал бўлмаса, фалсафий қара, ҳал бўлавермаса – ҳажвий ёндаш. Ҳажвий кўз билан қаралганда муаммо бошқача кўринади.

Одамнинг энг яқин ёрдамчиси – унинг ўзи!

Қамиш ботқоқдан чиқса ҳам, осмонга интилади. У най бўлганда эса, ботқоқ ҳақида эмас, само ҳақида куйлайди.

Оловга қанча яқинлашсанг, шунча куясан, ундан қанча узоқлашсанг, шунча совуққотасан.

Силлиқ тоққа чиқиш қийин.

Рухлантирувчилар руҳланмаса натижа бўлмайди.

Қонунбозликнинг ошиши ахлоқнинг камайишидандир.

Эътиқодсизлар ижод қилолмайдилар.

Эгри ниятли одам тўғри йўл қура олмайди.

Доно хаёлда, аҳмоқ амалда хато қилади.

Усмон ҲОСИЛ

Ўзбекистонда трансконтинентал савдонинг истиқболлари

Қадимги Ипак йўли Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги муҳим иқтисодий ва маданий алоқалар кўприги ролини бажарган. 2000 йил ўтиб, Марказий Осиё ва Европанинг 40 дан ортиқ мамлакат ва ҳудудларини кесиб ўтувчи янги “Ипак йўли” дунёдаги энг йирик ва энг катта ривожланиш потенциалига эга бўлган иқтисодий йўлга айланмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда йирик экспорт ҳажмига эга бўлган Хитойнинг маҳсулотлари АҚШ ва Европага денгиз йўллари, Хитойнинг Шарқий портлари орқали боради. Бу ҳолда экспорт товарларининг етиб бориш муддати 4-6 ҳафтани ташкил этади. Денгиз орқали экспортда рўй берадиган турли ҳодисалар: об-ҳаво ўзгариши, портларда товарни тушуриш учун

навбатда туриш ва умуман денгиз йўли харажатлари каттадир. Бундай ҳолат савдо учун юк ташишнинг арзонроқ ва қулайроқ йўллари кашф этишни тақозо қилади. Ушбу шароитда автомобил ва темир йўллари самаралироқдир

Янги “Ипак Йўли” ўзида Хитойнинг Шарқий қирғоқлари ва Ўрта Осиё бўйлаб қадимги қарвон йўллари ўрнига иқтисодий янги босқичга кўтарувчи нефт қувурлари тизими, автомобил ва темир йўл магистралларини мужассамлаштирган.

Охириги 10 йил ичида Ўрта Осиё, Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги савдо ҳажми 25.4 млрд.дан 370 млрд. АҚШ долларига кўпайган. Евроосиё трансконтинентал магистралининг, яъни “Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон” йўлининг қурилиши тезлаштирилмоқда. Хитой-Қозғистон нефтгазқувури эксплуатация учун топширилиб бўлди, Хитой ва Қозғистоннинг чегаравий темир йўллари уланди ва яқин орада Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон трансмиллий авто йўлининг тўлиқ йўлга тушиши режалаштирилмоқда. Бу эса бир бутун темир йўл, қувур, ҳаво ва автомобил йўлидан иборат тизимни ҳосил бўлишига олиб келади.

Демак, бу шароитда Ўзбекистоннинг яқин йиллардаги ташқи сиёсатида товарларнинг Хитойдан Европа, Ҳиндистон, Яқин Шарқ мамлакатларига қуруқликдаги транзитида иштирок этиш масаласи акс эттирилиши керак. Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва Шарқий Осиёнинг оралиғида жойлашар экан, янги “Ипак Йўли”нинг қурилиши жуда қулай ва бирмунча иқтисодий интеграцияга сабаб бўлади. Ўрта Осиёда янги “Ипак Йўли”нинг амалий татбиқ этилиши минтақанинг ривожланишига, фуқаролар яшаш тарзининг яхшиланиши ва ишсизликнинг олди олиниши каби ижобий ўзгаришларга олиб келади. Умуман, Ўзбекистон автомобил йўллари янги “Ипак йўли”нинг бошқа иштирокчи мамлакатларига қараганда яхши, темир йўллари орқали ҳозирдан товар ташишни ташкиллаштириш мумкин ва амалиётда янада такомиллашиб бориши керак

Шу нарса аёнки, янги “Ипак йўли”нинг амалдаги татбиқи нафақат Хитой, Европа учун, балки Ўрта Осиё ва шу жумладан, Ўзбекистон учун кўп

кулайликлар яратиб, ижтимоий-иқтисодий ўсишга сабаб бўлади. Товарларнинг айнан Ўзбекистон темир йўли орқали ташилишида товар муҳофазаси учун олинadиган тўлов ва халқаро транзит товар ташиш учун ставкаларнинг пасайтирилиши бу йўлнинг кам харажат бўлиши ва кулайлигини таъминлайди. Бу барча шароитлар Ўзбекистоннинг халқаро автомобил ва темир йўл соҳасида рақобатбардош бўлишини таъминлайди ва юкларнинг айнан Ўрта Осиё йўли бўйлаб ташилишининг афзаллигига шароит яратади.

Б.САТТОРОВ, доцент.

Д.ЮЛДАШЕВА, «Ҳисоб ва аудит» факультети талабаси.